



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 22 февраль, № 37 (7267)

Жума

Сайтимидаги ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## НЕФТЬ-ГАЗ ВА КИМЁ САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 февраль куни нефть-газ ва кимё саноатида олиб борилаётган ислохотлар натижадорлигини таҳлил қилиш, ушбу тармоқларни тизимли ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда ёқилги-энергетика соҳаларини уйғун ривожлантириш ва энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу иқтисодий тармоқлари ва аҳолининг энергия ресурсларига ортиб бораётган эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилги Инвестиция дастурига мазкур соҳа бўйича умумий қиймати 27,8 миллиард долларлик 26 та лойиҳа киритилган. Президентимиз ушбу лойиҳалар билан ҳар куни шуғулланиш, уларнинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Энергетика ва Молия вазирлиқлариغا "Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизда синтетик суюқ ёқилги (GTL) ишлаб чиқаришни таъминлаш" лойиҳаси бўйича 2,3 миллиард долларлик хори-

жий кредитларнинг молиялаштириш шартларини белгилаш, "Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш" лойиҳаси бўйича Россия "Газпромбанк"нинг 300 миллион долларлик кредитини жалб қилиш вазифаси юклатилди.

Муборак газни қайта ишлаш заводи, "Шўртаннефтьгаз" ва "Газлинефтьгаз" корхоналарида сувоқтирилган газ ишлаб чиқариш, нефть ва газ қазиб чиқариш, геологик қидирув ускуналарини сотиб олиш каби лойиҳаларга талаб этиладиган маблағларни мамлакатимизнинг еврооблигацциялари ҳисобидан молиялаштириш лозимлиги таъкидланди.

Геология-қидирув ишлари мурраккаб бўлган ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда тизимда тўпланиб қолган дебитор қарздорликни

камайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тармоқнинг экспорт салоҳияти таҳлил қилинар экан, бу борада фақат газга боғланиб қолмасдан, углеводородларни чуқур қайта ишлаш асосида экспорт ҳажмини ошириш зарурлиги таъкидланди.

"Ўзбекнефтьгаз" ва "Ўзкимё-саноат" раҳбариятига табиий газдан юқори қўшилган қийматли полимер, полистирол, ПЭТ, синтетик каучук ишлаб чиқариш концепциясини тайёрлаш, жорий йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган нефть-газ бўйича халқаро конференцияда чет эллик инвесторларга тақдим қилиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда "Ўзбекнефтьгаз" АЖ тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш, тартипларни бозор тамойиллари асосида қайта кўриб чиқиш, нефть базалар ва ҳудудий газ таъминоти хизматлари, жумладан, Фарғона нефтни қайта иш-

лаш заводини ишончли инвесторлар бошқарувида бериш бўйича аниқ чоралар ҳам назарда тутилиши кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда нефть-газ соҳаси билан узвий боғлиқ бўлган кимё тармоғидаги ишлар ҳам таҳлил қилинди.

Кимё саноатини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш диверсификация қилиш мақсадида умумий қиймати 8 миллиард долларлик 33 та лойиҳа белгиланган бўлиб, жорий йилда 4 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

Президент кимё саноати юқори рентабелли тармоқ эканини таъкидлаб, 2019—2025 йилларга белгиланган истиқболли лойиҳаларга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Жумладан, Кўкон суперфосфат, Кўнгирот сода заводлари бўйича хорижий ҳамкорлар билан келишувларга эришиш, Ян-

гиер шахрида аммиак ва карбамид заводи барпо этиш бўйича инвесторларни аниқлаш вазифаси қўйилди. Кимё саноати корхоналарини модернизация қилишни тезлаштириш, маҳсулотлар сифатини ошириш мақсадида соҳани хусусий мулкчилик асосида ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

"Ўзкимёсаноат" раҳбарияти бугунги долзарб масалалардан келиб чиқиб, фақат минерал ўғитлар билан шуғулланмасдан, соҳани кўп тармоқли тизимга айлантириш йўлида изланиши керак. Иқтисодий ва саноат ва-зирлиги билан биргаликда юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг турини кўпайтириш бўйича истиқболли йўналишларни белгилаш зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А.

## Президент ташрифидан сўнг

### ГИДРОПОНИКА

ТАШЛАНДИҚ ЕРНИ ҲАМ ХАЗИНАГА АЙЛАНТИРУВЧИ УСУЛ



Давлатимиз раҳбари жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Ховос туманидаги "GRAN RUTA DE LA SEDA" корхонаси томонидан замонавий усулда ташкил этилган гидропоника иссиқхона мажмуасини ҳам кўздан кечирди. Уни кенгайтириш, Жанубий Кореядан келтирилиб, фойдаланилаётган замонавий технологияларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва харажати камайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Гидропоника усулидаги иссиқхоналарнинг афзаллиги шундаки, у ер танла-майди, — дейди корхона раҳбари Собир Шокиров. — Негаки, бундай мажмуаларда кўчат табиий тупроққа жойлаштирилмайди, аксинча, махсус тоқчаларда озуқага экилади. Бу эса бўш ётган майдонлардан ҳам фойдаланишда айнаи му-даодир.

Сўхбатдошимизнинг айтишича, бу борада улар қўллаётган гидропоника иссиқхона мажмуасини ҳам кўздан кечирди. Уни кенгайтириш, Жанубий Кореядан келтирилиб, фойдаланилаётган замонавий технологияларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва харажати камайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Гидропоника усулидаги иссиқхоналарнинг афзал-



## МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БОШ ШТАБИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида 21 февраль куни Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бош штаблари бошлиқларининг конференцияси ўтказилди.


Дастлаб анжуман иштирокчилари Хотира майдонида бўлиб, ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйди. Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

Шундан сўнг анжуман ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Покистон, Туркменистон, Тожикистон ва Афғонистон Қуролли Кучлари Бош штаблари бошлиқлари, Қирғизистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари, АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-майор Баҳодир Қурбонов қатнашди ва иштирокчиларни кутлади. Мулоқот чоғида хавф-

сизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Учрашувда дунёнинг турли минтақаларида хавф ва таҳдидларнинг кучайиб бораётгани, барқарорликни таъминлаш масаласи глобал характер касб этаётгани қайд этилди. Ўзбекистонда ўтказилаётган ушбу анжуман кўп томонлама халқаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш учун муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Тадбирда Марказий Осиё минтақасида тинчликни мустаҳкамлаш, ишонч руҳидаги ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яхши кўшнилик тамойилига асосланган фаолиятни давом эттириш, Афғонистондаги нотинч вазиятга ижобий ечим топish масалалари кўриб чиқилди.



## ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маданият ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган кўҳна Бухорода I Халқаро зиёрат туризми форуми бошланди.

Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган мазкур йирик анжуман Ўзбе-



кистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, "Вақф" хайрия жамоат фонди, Ташқи ишлар вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги, шунингдек,

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислам ташкилоти (ISESCO), Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) каби қатор нуфузли халқаро ташкилотлар кўмағида ташкил этилди.



## Хушxabар

### БУЛОҚБОШИДА ГАЗ КОНИ ТОПИЛДИ

"Кўқон пармалаш ишлари" акциядорлик жамияти мутахассисларининг Булоқбоши туманида олиб борган изланишлари натижасида 1 150 метр чуқурликда табиий газ мавжудлиги аниқланди.



— Мазкур ҳудудда сўнгги икки йил давомида олиб бораётган изланишларимиз натижасида учинчи газ конини топдик, — дейди жамиятнинг Андижон вилояти бурғилаш бўлими бошлиғи Қурбонали Мамарозиқов. —

Янги аниқланган қудуқдан чиқаётган газ миқдори кунига 100 атмосфера босими остида 205 минг куб метрни ташкил этмоқда. Булоқбошида "кўз очаётган" конларнинг ўзлаштирилиши ҳудудда катта газ захираси мавжудлигидан дарак беради.

2017 йилнинг ноябрь ойида Учтепа қишлоғида 1 080 метр чуқурликда илк газ кони топилган эди. Ундан 100 атмосфера босимида соатига 2300 — 2400 куб метр газ оқими чиқмоқда. 2018 йилда яна бир газ кони аниқланди. Айна пайтда бу ердан қазиб олинаётган газ истеъмолчиларга етказиб берилаётир.

Саминжон ҲУСАНОВ (Халқ сўзи).

**2019 йилда "Обод қишлоқ" дастури доирасида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар:**

**1,6 миллион нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган 478 та қишлоқда қурилиш ва ободонлаштириш юмушлари бажарилади.**

**5 476 км.дан иборат минтақавий йўллар (ички кўчалар) таъмирланади ва реконструкция қилинади.**

**36 мингдан ортиқ ва 2 458 км. бўлган тунги кўча ёритиш ҳамда 21 алоқа тизими яхшиланади.**

**556 та автобекат қурилиб, умумий қиймати 46,3 миллиард сўмлик 189 та замонавий автобус харид қилинади.**



Рақамли иқтисодиёт:

ОШКОРАЛИК ТАЪМИНЛАНИБ, КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Иқтисодий ривожланишнинг қайси даври бўлишидан қатъи назар, саноатлашувнинг асосий белгиси корхоналарнинг доимо ишлаб чиқариш ҳамжи ортиши ҳисобланган...

Муносабат

Бу жараён жуда катта молиявий манбаларни, ҳарajatни талаб қилган ва янги тадбиркорларнинг бозорга кириш имкониятини чеклаб...

йўналишида амалий чора-тадбирлар кўриб чиқишда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича...

даги самарали ҳамкорлиқи таъминлаш, уларнинг ўзаро муносабатларини рақамлаштиришга ўтилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инсон омиллини четлаб ўтган ҳолда...

Шунингдек, рақамли иқтисодиёт ошқоралиқи таъминлайди. Одамлар онлайн тарзда Ҳукуматнинг иқтисодиётни ривожлантириш бораасида олиб бораётган амалий ишлари билан яқиндан таъминлаши мумкин.

Имкон қадар камроқ ресурс сарфлаш, кўпроқ маҳсулот чиқариш — рақамли иқтисодиётнинг устувор вақами. Юртдошларимизда рақамли иқтисодиёт шариоитида нафақат ўзини ўзи, балки атрофдагиларни ҳам иш ўрни билан таъминлаш имкони ошади.

Бу жараёни янада аниқроқ тасаввур қилиш учун бир мисол келтирсак. Дунё миқёсида фаолияти абайидек туюлган ва турли со-

ҳалар бозорларида улкан улушларга эга бўлган гигант корпорациялар санокли йилларда ҳеч қандай тарихи йўқ кичик компаниялардан орқада қола бошлади.

Умуман айтганда, Фармон билан мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган яна бир қатор амалий чоралар тасдиқланган.

Уларнинг самарали ижросини таъминлашда биз, сенаторларнинг зиммасида ҳам катта масъулият ётади. Демак, жонли тарғибот, амалий мулоқотларни янада қучайтиришимиз лозим.

Зеро, рақамли иқтисодиёт жамиятнинг ҳар бир аъзосидан ана шундай фидойиллик, билимдонлик ва юқори салоҳиятни талаб қилади.

Қобил ТУРСУНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

РЕЖАЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАСИН

Уларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоят ҳокимлиги, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази вакиллари иштирок этди.

Анжуманларда 2019 йилдаги капитал қўйилмаларнинг вилоятларда белги-ланган асосий параметрларига ҳам уриб берилди.

Унга кўра, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қўллаб қўйилган рўёбга чиқарилади. "БИО АГРО" МЧЖ корхонасида биомаҳсулотларни етиштириш, "Сурхон КСП Гранд" МЧЖ қўшма корхонасида қамиш асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, "Ўзюр Текстиль Импэкс" МЧЖ эса тўқимачилик матоси тайёрлаш, ёғ-мой корхоналарини модерниза-ция қилиш ва янги техноло-гияларни киритиш, вилоятлардаги бир қатор

ижтимоий муассасаларнинг янги биноларини қуриш ҳамда жиҳозлаш ана шулар жумласидан. Мазкур режалар амалга ошириш учун, аввало, таъсирчан жамоатчилик назорати, хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари томонидан олиб борилаётган ишлар мониторингини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу, ўз навбатида, маҳаллий Кенгашлар зиммасига катта масъулият оқлайди. Тадбирларда ижтимоий соҳа бўйича белгиланган бошқа вазифалар, хусусан, аҳолининг ҳаёт шариоити яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ри-вожлантириш ҳамда модерниза-ция қилиш ҳақида батафсил сўз юритилди.

Яқунда шу йўналишда амалга оширилган лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар белгилан олинди.

Илҳом РАҲМАТОВ, Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БОШ ШТАБИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Конференцияда Марказий Осиедаги вазият, халқроқ терроризмга қарши кураши йўлидаги устувор вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиеда хавфсизлик, барқарорлиқни таъминлашда муҳим ўрин тутуди, — деди АҚШ Куролли Куçлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Вотел. — Америка Қўшма Штатлари эса ушбу минтақадаги мамлакатлар суверените-

тини мустаҳкамлаш, барқарорлиқни таъминлашга муносиб ҳисса қўйиш, конструктив ҳамкорлиқни ривожлантириш ва олға суриш тарафдори бўлиб қолади.

Шунингдек, анжуманда Афғонистонда иқтисодиётни тиклаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Абдулозиз МУСАЕВ, ЎА муҳбири.

Ҳамкорлик

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАГА АСОС БЎЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Самарқанд вилоятига таширфи доирасида инвестициявий лойиҳалар, чет эллик сармоядорлар иштирокидда бунёд этилган корхоналар тақдимотлари билан яқиндан танишар экан, Усамилклари кимёвий химиялаш заводи ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Қўш, мазкур ишлаб чиқариш қуввати иқтисодиётимиз ривожиди қандай ўрни тутуди? Аввало, шун айтиш жоизки, "Шёлқово Агрохим" акциядорлик жамияти дунё миқёсида бундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг учтадан битаси ҳисобланади.

Юртимизда яратилган очик инвестициявий муҳит мазкур компанияга жуда маъқул тушмоқда. Натияжада маъсулиятни чекланган жамият шаклидаги "Шёлқово Агрохим — Ўзбекистон" Россия — Ўзбекистон қўшма корхонаси асос солинди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг устувор вазифалардан бундай айланган ҳозирги кунда аграр соҳада ҳосилдорлиқни оширишга жиҳдий эътибор қаратиляпти. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги экинларини обитобида парваришлаш, айнисса, уларни ҳосил зараркунандаларидан муҳофаза қилиш талаб этилади.

Анвар МИРЗАЕВ, «Шёлқово Агрохим» — Ўзбекистон Россия — Ўзбекистон қўшма корхонаси бош директори.



Дейлик, қиш ойларидаги офтобли кунларда иссиқлик таъминотини узиб қўйган ҳолда ҳам белгиланган ҳароратни ҳосил қилиш мумкин.

Қолаверса, сугориш, озиқлантириш жараёни аниқ ҳамда сифатли баҳариланди. Бу икки вазифа компьютерлаштирилган тизим орқали амалга оширилади.

Бу замонавий усул экспортбоп маҳсулот етиштириш, деган деҳқоннинг режа-си амалга ошишини таъминлайди, — дейди корхона агрономи Бекмуллануриллаев.

— Тупроққа қадалган кўчат кўп касалликка учрайди. Сабаби бундай шариот турли зараркунандалар пайдо бўлиши ва кўпайишига қўлай муҳит яратоди.

Каби воситалар ўзимизда тайёрланса, қанчалик яхши? Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, бизнинг завод фаолияти тўлиқ йўлга қўйилса, маҳсулот нарҳи камийди 2 баробар арзонлашишига ҳисса қўшаркан.

Яна бир гап. Биз бундай қарорга келишдан олдин ушбу воситаларни Самарқанд вилоятининг Пастдаргом, Окдарё, Пайариқ туманлари, Сурхондарё вилоятининг Музаббот тумани фермер хўжалиқлари дала-ларида синовдан ўтказдик.

Она тилимиз — халқимизнинг бебаҳо бойлиги

Она асраб-авайлашга барчамиз масъулмиз.

"Халқ сўзи" газетасида жорий йил 14 февраль кун и чоп этилган "Ёт андозалар, мавҳум гоҒлар, қурама тиллар" сарлавҳали мақолани ўқиб, айрим фикр-мулоҳазаларимни билдиришига жэм этдим.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: ўтган асрнинг етмишинчи йиллари ўрталарида Самарқанд давлат университетиде таҳсил олардик. Бир гуруҳ талабалар Москвага бордик.

Акс садо

— Ўзбекистонданми, — дедик. Улар "билмаймиз", дегандек бош чайқашди.



этишмича, гидропоника самардорлигини янада ошириш учун ҳозир тупроқ ўрнини бо-сувчи озуқа тўпла-мини тўлиқ маҳал-ли й л а ш т и р и ш асосий масала бўлиб турибди.

80 — 100 тонна бодринг олиганлиги тўғрисидаги қайдлар пайдо бўлади. Ўз навбатида, ҳосил бериш дав-ри қисқа бўлганлиги боис бодринчи бир йилда уч марта экиш имконияти ҳам мавжуд.

— Президентимиз вилоятимизга таширфи чоғида ис-сиқхонамизга келиб, ишлари-миз билан яқиндан танишибди, қимматли маслаҳатларини берганидан жуда мамнун бўлдик, — дейди Собир Шокиров.

...Иссиқхона фаолияти билан танишар эканми, бир гуруҳ меҳмонлар рўпарамиздан чиқди. Маълум бўлиши-ча, улар телевиденидеги кўрсатувни томоша қилган, гидропоника усули билан та-нишиш учун узоқ йўл босиб, Қашқадарё вилоятидан кели-шибди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Муаллиф олган суратлар.

«ИШОНЧ ХОНАЛАРИ» НИМА БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, БМТнинг Гитёхванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси Марказий Осиедаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар: аҳолининг ОИВга нисбатан заиф бўлган гуруҳлари орасида ОИВ-инфекцияси профилактикаси, даволаш ва парваришлаш масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Депутатлар, сенаторлар, вазирилик ва идора-лар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашган тадбирда қайд этилганидек, ОИВ-инфекцияси тарқалишига қарши кураш тизимини янада та-комиллаштириш мақсади-да давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Респуб-ликасида одамнинг имунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги қарори қабул қилинган.

Иштирокчилар фикрича, юртимизда ОИВ/ОИТСга қарши курашишига катта эътибор қаратилляпти. Бу борада БМТ тизимидаги ва бошқа халқроқ ташкилотлар билан фаол ҳам-корлик қўллаб-қувватлан-моқда.

Ҳозирги кунда мам-лакатда 140 дан зиёд «Ишонч хоналари» мавжуд бўлиб, улар аҳолининг ОИВга нисбатан заиф бўлган гуруҳларини ах-бо-

рот-таълим хизмати, маслаҳат бериш ва зару-рлат бўлса, муурожаат эт-ганларнинг турли тиббий ҳамда психологик ёрдам олишлари учун тегишли муассасаларга юбориш билан шуғулланади.

Давра суҳбатида Ўз-бекистонда ОИВ-инфекция-си тарқалишига қарши ку-рашиш бўйича чораларни амалга оширишда Ҳуку-мат, Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги ва бошқа ташки-лотлар халқроқ ҳужжатлар мажбуриялариға амал қилаётгани айтиб ўтилди.

ЁТ АНДОЗАЛАР, МАВҲУМ ГОҒЛАР, ҚУРАМА ТИЛЛАР

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҚИЁФАСИ БУЗИЛАЁТГАНИГА ҚАЧОНГАЧА ЖИМ ҚАРАБ ТУРАМИЗ?

Дунё сийақ халқларида ўзининг милоқиб ўзинга эга бўлиб, ўз сўзини айтиб қўйишга мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри кундан-кун қарай очиб, гўзаллашиб бораётгани ҳеч қимга сир эмас.

«Мушоҳида»

«Давлат тили ҳақида»ги Қонунга зид, гагша тегадиган ҳолатларга жимгина қараб тураверсак, она тилимизнинг аҳоли нима бўла-ди? Мамлакатимизда Қонунни бузганлик учун жавобгарлик бор. Шундай экан, айнан «Давлат тили ҳақида»ги Қонун-нинг амал қилиши бўйича мах-сус комиссия тузилиши, у жой-ларда, хоҳ давлат идораларида

бўлсин, хоҳ жамоат ташкилотлари ёки таълим муассасаларида ё ху-сусий корхоналарда бўлсин, қонун-бузилиш ҳолларига бархам бери-ши, тилимизнинг соғлиқини сақ-лаш учун курашиши мақсадага му-вофиқ, Албатта, бу жараёнда кенг жамоатчилик ва ҳар бир юрдошми-зи фаол иштирок этиши лозим. Негаки, она тилимиз — халқимиз-нинг бебаҳо бойлиғидир. Уни асраб-авайлашга барчамиз масъулмиз.

Абдуқаном БЕККАМОВ, Деҳқонobod тумани



# ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА



Қадим Бухоро заминига қадам қўйган киши қалбини ўзгача туйгулар чулбаб олади. Ҳужайра юксалади. Хаёлан олис мозий сари юзланади. Зотан, инсоният тамаддуни бешикларидан бири бўлиш ушбу маконда не-не бўиқ алломалар, диний ва дунёвий илм эгалари яшаб, иход қилмаган дейсиз. Шу боис нафақат юртдошларимиз, балки дунё мусулмонлари ислом дини ва маданияти ривожига катта таъсир этган Бухоро томон талпиндилар. Бир бор бўлса-да, бу ердаги муқаддас қадимжоларни зиёрат қилиш, тарихий-мемориал мажмуаларни кўриш, буюқ муҳаддис ва алломаларимизнинг бой маънавий меросидан баҳра олишни орзу қилади.

Дарҳақиқат, юртимизнинг зиёрат туризми буйича салохияти гоят улкан. Ислам дунёсидagi энг бебаҳо Қуръони Карим намуналаридан бири — Ҳазрати Усмон Муҳсафи Ўзбекистонда сақланаётгани, муҳаддислар имоми, ҳадис илми олимларининг устози Муҳаммад ал-Бухорий, Нахшбандия тариқатининг кўпбаб етуқ издошлари бизнинг заминимизда камол топгани, уларнинг сўнгги манзиллари шу ерда эканлиги, қолаверса, бир қанча диний марказларнинг маъжудлиги ана шундан далолат беради.

Исламшунос ва экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонни ислом дунёсидagi зиёрат туризмининг янги марказларидан бирига айлантириш учун шуларнинг ўзи кифоф. Илк маротаба ўтказилаётган халқаро форум ҳам айна шу эзуқ мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Кези келганда айтиш жоизки, маъкур нуфузли анжуман ҳақида хабарлар тарқалган захоти у жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Натигада Хиндистон, Малайзия, Индонезия, Туркия, Саудия Арабистони, Эрон, Миср, Россия, Жанубий Африка Республикаси, Франция, Фаластин сингари 25 давлатдан вакиллар ташриф буюрди. 120 дан ортиқ ислом


дунёсидagi нуфузли халқаро ташкилотлар масууллари, дин уламолари, олий ўқув юртлири, сайёҳлик маъмуриятлари, илмий-академик доиралар, зиёрат туризми буйича туристик компаниялар раҳбарлари шулар жумласидан.

Тадбир иштирокчилари Бухоро темир йўл вокзалида тантанали кутиб олинди. — Шундай гўзал юрт, табарруқ масканга келганимдан жуда хурсандиман, — дейди Миср парламенти аъзоси Абдулҳомий Қасобий. — Кўндан буён Ўзбекистон тарихи билан қузиқаман. Шунинг учун бу юртда етишиб чиққан буюқ алломалар, диний уламолар ҳақида қимматли маълумотларга эгаман. Шулар ҳақида ўйланганда, Ўзбекистонни ноёб бойликлар конига қиёслаймман. У табиий қазилма бойликларидан-да кўпроқ фойда келтирадиган қадимий ёдгорликлар ва олимларининг ёзиб қолдирган маданий мероси, ўлмас китоблардир.

Ўзбекистон ва Мисрни ўзаро боғлаб турадиган ришталар олис ўтмишга бориб тақалади. Бизнинг мамлакатда Ўзбекия номи билан аталувчи ноҳия ва катта боғ мавжуд. Айрим тарихий манбаларда эса қадимда ўзбеклар Миср давлатларини бошқарган, деган маълумотлар учрайди.

Бугун бошланган форум нафақат зиёрат туризми йўналишида, балки олимларнинг ўртасида илмий жиҳатдан ҳамкорликни мустаҳкамлайди, деган умиддаман.

Зиёрат туризми, яъни муқаддас жойларни зиёрат қилиш икки асосий, яъни маърифий саёҳатларга йўналтирилган ҳаж ва диний туризмдан иборатдир. Шу маънода, "Ислам динининг қуввати" дея эътироф этиладиган Бухорога саёҳат қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчақларидан минглаб сайёҳлар ташриф буюришади. Улар пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламдан бошланган "олтин силсила"нинг давомчилари бўлган етти пир — Абдуҳолик Фиждувоний, Муҳаммад Ориф



Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобой Самосий, Сайид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд зиёратхоналари, шунингдек, табарруқ манзиллари зиярат қиладилар.

Жорий йилнинг 5 январидан Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диний-маънавий мероси ҳамда анъаналарини ўрганиш учун ташриф буюрувчи хорижий фуқароларга 2 ойгача бўлган муддатда зиёрат визаси жорий этилгани айна мурддо бўлди. Бу эса мамлакатимизнинг сайёҳлик жозибадорлигига эришиш, айниқса, зиёрат туризмининг ривожлантириш, сайёҳлар оқимини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Халқаро зиёрат туризми форуми иштирокчилари дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасига ташриф буюрдилар. Бу ерда одамларни эзуқлига, ҳаёлотлиққа ундовчи ўлмас гоғлар билан ислом оламида чўқур из қолдирган божокалонимиз қабри зиёрат этилди.

Утганлар рўҳига Қуръон тиловат қилинди.

Ўзбекистон биз учун энг қадрилли мамлакат, аникроги, ота юртимизимиз, — дейди Қонья шаҳри муфтийси Аҳмет Пунчоғли. — Тилимиз, динимиз, миллатимиз бир. Айниқса, Бухоро ислом маданиятида Маккаи мукаррама ва

Мадинаи мунавварадан сўнг энг муқаддас шаҳар ҳисобланади. Шунинг учун ислом дунёси вакиллари юртингиз томон талпинди. Туркияда Нақшбандия таълимотига бўлган қизиқиш гоғта катта. Бу ерга келишни истовчилар сон-саноксиз. Зиёрат туризмининг ривожлантириш борасида олиб борилаётган кен қўлмалли ишлар чет эллик зиёратчилар учун янги имкониятлар ашигани очмоқда. Мен форум доирасида шундай табарруқ маконга келиб, зиёрат қилаётганим учун Аллоҳга шўкрона айтаман.

Форум иштирокчилари Бухоро шаҳрининг тарихий обидалари, маданий мерос объектлари, зиёрат туризми марказлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

Хиндистонда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш жуда катта, — дейди "Holiday Merchants" сайёҳлик компанияси раҳбари Викас Хандури. — Айниқса, кейинги пайтда юртингизга сайёҳлик салохияти ва жозибадорлиги ошмоқда. Бизнинг компаниямиз томонидан мамлакатингизга илк бор 2009 йилда дастлаб сайёҳлар қўнғилиди. Лекин ўзим биринчи марта келиб турибман.

Форум юқори савидада ташкил этилган. Унинг доирасида Бухоро вилоятида зиёрат туризми салохияти ва имкониятлари билан яқиндан танишдик. Айниқса, замонавий инфратуризм-

ма объектлари бунёд этилаётгани эътиборга молик. Хиндистон аҳолисининг 12 фоизи ислом динига эътиқод қилади. Биз уларни юртингизга ҳам саёҳат, ҳам зиёрат қилдириш учун бор имкониятларимизни ишга соламиз.

Бухоронинг асл ҳолида сақланиб қолган тарихий қисмида ўзимни ўтмишга тушиб қолгандек ҳис этдим. Ва юртингизда маданий мерос объектлари, тарихий обидалар, муқаддас қадимжоларни обод қилиш борасидаги ишларга қўйил қўлдим.

Меҳмонлар Абу Ҳафси Кабир жоме масжидида ҳам бўлдилар. Бу ердаги зиёратхонда мангу қўнм топган буюқ аждодларимиз, жумладан, ҳадис илми сўлтони Имом Бухорининг устози Абу Ҳафси Кабир қабрини зиёрат этишди.

Шундан сўнг Пойи Калон мажмуасига ташриф буюриб, Мирааб мадрасаси ҳамда Масжиди Калон меъморий ёдгорликларини томоша қилдилар.

Таъкидлаш керакки, форум доирасида туризм соҳасидаги хорижий компаниялар ҳамда давлат тадбиркорлик субъектлари ўртасида давра суҳбатлари ва B2B форматдаги учрашувлар ташкил этилди. Учрашувлар натижасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланиши кўзда тутилган. Улар орасида қўнғилидан энг муҳим ҳужжат, бу — Бухоро декларацияси. Яъни Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Бухоро вилояти ҳокимлиги, Вазирилари буйича қўмита ва форумнинг бошқа иштирокчилари билан бира "Ўзбекистон зиёрат туризмининг марказларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисида"ги Бухоро декларациясини имзолаш маросими бўлиб ўтиши режалаштириляпти.

1 Халқаро зиёрат туризми форумининг асосий ташкилатори Бунғор Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтди.

Маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Unda Ўзбекистон ва Бухоронинг сайёҳлик салохиятини акс эттирган видеоролик ҳам намойиш қилинди.

Форум юқори савидада ташкил этилган. Унинг доирасида Бухоро вилоятида зиёрат туризми салохияти ва имкониятлари билан яқиндан танишдик. Айниқса, замонавий инфратуризм-

Саид РАҲМОНОВ, Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи».)

Аскар ЯКУБОВ олган суратлар.

## Тақдимот

Болалик хотиралари ҳақида гап кетганда, кўпчилигимиз эртақларнинг сеҳрли оламига ошно тугиниб, сирли хаёллarga берилганимизни эслаймиз. Эртақ қаҳрамонлари билан хаёлан суҳбатлар қурган тунларга яна қайтгимиз келади... Бу тунлар ҳар биримизнинг ҳаётга муҳаббатимизни тоблаган, бу эртақлар қалбларимизга эзгулик уруғларини эккан...

## БОЛАЛАР УЧУН АУДИО ЭРТАҚЛАР

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Мактабгача таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўзбек халқ эртақларининг аудио талқинларини яратиш ва уларни кенг тарғиб қилишга қаратилган "Bolalik kunlarimda" лойиҳаси амалга оширилаётгани эртақлар эгаларини юксак маънавият-ли, меҳр-оқибатли қилиб ўстириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат, садоқат, инсонпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Пойтахтимизда ўтказилган мазкур лойиҳа тақдими-тида ушбу фикрлар алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда эртақларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда қўлай, қизиқарли ва таъсирчан йўнлар билан болаларга етказиш самарали усул экани қайд этилди.

Дарҳақиқат, аудио эртақлар фарзандларимиз тарбия-сига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг нуқт маданиятини ошириш, мулоҳаза, мантиқ, тасаввур, фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда айна мурддоидир.

Халқ эртақларининг аудио талқинини яратишда бир гуруҳ мутахассислар, жумладан, муҳаррирлар, таржи-монлар, мусаҳҳил ва руҳ-шунослар, овоз режиссёрла-ри, актёрлар ҳамкорликда

иш олиб боришмоқда. Келажда болаларнинг чет тил-ларни самарали ўзлаштири-шини йўлга қўйиш мақсади-да аудио эртақларни инглиз тилида тайёрлаш, жаҳон халқ эртақларининг аудио талқинларини яратиш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, миллатимизнинг улкан мада-ний меросини дунё миқёси-да тарғиб қилиш йўлида ўзбек халқ оғзаки ижоди-нинг қардош тиллардаги аудио муқобилини шакллантириш ҳам мақсад қилинган.

Овози ёзилган эртақлар, асосан, агентлик томони-дан амалга оширилаётган "Ko'ngil ko'zi" лойиҳаси дои-расида кўриш имконияти чекланган болалар қатлами учун ҳам мўлжаллангани ай-тиб ўтилди.

Профессионал студияда ёзилган аудио эртақлар @bolalik.kunlarimda телеграм каналига ўзбек ва рус тил-ларида бепул жойлаштириб борилади. Овозлаштирилган 10 та эртақ ой охирида диска ёзиб чиқарилади.

Келгусида аудио эртақлар таълим жараёнига ҳам интеграциялаш, улардан ўқитишда ривожлантирувчи усул сифатида фойдаланиш ҳам кўзда тутилган.

Тақдимот маросимида лойиҳанинг илк махсули — "Зумрад ва Қиммат" эртаги ййигиланларга жонли ижро-да ҳавола қилинди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи».)

## ИМКОНИЯТ ИННОВАЦИОН ЛАБОРАТОРИЯ

Жиззах политехника институтига Германиянинг LD Didactic компаниясида ишлаб чиқарилган, радиоэлектроника фанидан ўқув машғулотлари ўтказиш учун 500 минг евро миқдоридagi ўқув-лаборатория жиҳозлари келтириб ўрнатилди.

— Уларнинг таркибида ўзгарувчан ток машиниси ва электродвигатели, бир фазали трансформатор, дала транзистори, генератор билан эксперимент ўтказиш учун ўқув жиҳозлари мавжуд, — дейди институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Сирожиiddин Тавбеов. — Энди талабалар олий таълим муассасасидан узоқ-лашмай ишлаб чиқариш ва саноат корхоналаридаги ша-

роитдан кам бўлмаган ҳолат-да билимларини ошириш имкони яратилди.

Институтда муқобил энергия манбаларидан унумли фойдаланиш бўйича қўп йиллардан буён изланишлар олиб борилиши натижасида виллоятда қуёш, шамол ва сувдан энергия олишга доир рационализаторлик тақлиф-лари ишлаб чиқилган.

Толмбжон ЭРГАШЕВ («Халқ сўзи».)

## ГОЛИБЛАРНИ ҚИЗИҚАРЛИ САФАР КУТИБ ТУРИБДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Инновацион ривожланиш вазирликлари, Британия Кенгаши, Буюк Британия ва Шимоллий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Лондон метрополитен университети ҳамкорлигида "Big Idea Challenge" кўрик-танлови ўтказилмоқда.

### Кўрик-танлов

Ёшларнинг инновацион гоғларини кўлаб-қувватлаш ва тадбиркорлик кўнжикмалари-ни шакллантириш мақсади-да ташкил қилинган ушбу тан-лов уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич шу йилнинг 1 февралига қадар давом этди. Unda юртимиз олий таълим муассасалари талабаларининг турли соҳа-лар буйича 230 дан зиёд ло-йиҳалари қабул қилиниб, улар-дан 23 таси саралаб олинди.

Тошкентдаги Халқаро ҳам-корлик марказида танловнинг иккинчи босқичига старт берилди. Ушбу босқичда қат-нашчилар ўз гоғларини истиқ-боллари ҳусусида видеоро-ликлар тайёрлаб, Лондон метрополитен университети экспертлари ва бошқа мута-хассислардан иборат ҳажам-лар ҳайъати қаршисида тақ-димотини ўтказдилар.

— Танловдан қўнланган мақсад старт лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистонда янги бизнес моделини ташкил этишдан иборат, — дейди Лондон мет-рополитен университети ҳам-корлик бўлими раҳбари Кристофер Лейн. — Юртин-гиз университетларида тақ-

сил олувчи талабалар тақдим этган ишларда тиббиёт, таъ-лим, техника, ишлаб чиқариш, темир йўл ва бошқа соҳалар-ни ривожлантириш бўйича кўлаб инновацион гоғлар берилди диктада сазовор. Беллашув орқали ёшларнинг дунёқарашини янада кенгай-тиб, маҳорати ошди, деб ўйлай-миз.

Лойиҳада шаффофлиқни таъминлаш мақсадида жамо-атчилик иштирокига ҳам ало-ҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ёшларнинг инно-вацион гоғлари, уларни ҳаёт-га таътиб этишнинг аҳамияти акс этган материаллар мар-казнинг интернет саҳифа-сида жойланади ва кейинги бос-қичга тавсия қилинадиган иш-лар жамоатчилик томонидан онлайн овоз бериш йўли бил-лан аниқланади. Овоз бериш шу йилнинг май ойи-гача давом этади.

Ғолиблар 2019 йилнинг июль ойида Лондон метро-политен университетида бўлиб ўтадиган бир ҳафталик "Launch Pad" тренингида қатнашиш имкониятини қўлга киради.

Юлдаз ЎРМОНОВА («Халқ сўзи».)

## Молия муассасаларида БАНК КЎМАГИДА ЖИНСИ МАТОСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎЗЛАШТИРИЛДИ

Кейинги йилларда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, мавжуд имкониятлари инобатга олинган ҳолда, махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу эса ушша жойларда янги корхона ва хизмат кўрсатиш субъектлари пайдо бўлиши, иш жойлари яратилиши, аҳоли турмуш шароитлари яхшиланишига муҳим омил бўлмоқда. Шу боис Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида мазкур йўналишдаги саёй-ҳаракатлар кўлами янада кенгаймоқда.

### O'ZMILLIYBANK

Бинобарин, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенроқ жалб этиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш жорий йилги Давлат дастурининг устувор вазифалари сифатида белги-ланган. Унинг изчил ижроси-ни таъминлашда эса молия муассасаларининг иштироки ортиб бормоқда. Хусусан, "Ўзмилийбанк" томонидан кўрсатилаётган хизмат ва аж-ратилган маблағларнинг асосий қисми айна шу мақ-садларга йўналтириляпти.

Банкнинг ҳудудлардаги бўлими ва филиалларида иқтисодийёт рақобатдошлиги-

ни ошириш, қишлоқ хўжали-гини модернизациялаш, кич-ик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, туман, шу-нингдек, шаҳарларни ижти-моий-иқтисодий тараққий эт-тириш, инвестиция муҳитини яхшилаш орқали инвести-цияларни кенг жалб қилиш бўйича олиб борилаётган иш-лар бунга мисол бўла олади.

Сайхунўбод туманидаги "Нурли йўл" МФЙ ҳудудида "Тули модлар дунёси" масъ-улияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилгани шундай саёй-ҳаракатлар самарасидир. Тўқимачилик махсу-лотлари ишлаб чиқаришга ик-тисошлантирилган ушбу

лойиҳа ижроси учун "Ўзми-лийбанк" Сирдарё бўлимидан 450 миллион сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Бу-нинг эвазига йилга 20 тонна трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга асбо-бускуна ва дастгоҳлар олиб ке-либ ўрнатилди. 400 киши меҳ-нат қилаётган корхонада тай-ёрланаётган махсулотлар кўши Киристон ва Қирғи-зистон давлатларида экспорт қилиниши режалаштирилган.

Банкнинг молиявий кўма-гида Эллиққалъа туманида ҳам замонавий тўқимачилик корхонаси — "Boston Mega Tekstil" масъулияти чеклан-ган жамиятига асос солинди. У импорт ўрнини босувчи

газлама ва жинси ма-толари ишлаб чиқаришга ихтисослашти-рилгани билан эъти-борга моликдир.

Гап шундаки, умумий қиймати 10,1 миллион АҚШ долларилек лойиҳа шарофати билан Қорақалпоғистон Рес-публикасида йилга кўшимча равишда 4 000 тонна газлама ва 10 миллион квадрат метр жинси матоси ишлаб чиқарилади. Ушбу корхонанинг ишга туширилиши туфайли эса 250 та иш ўрни яратилди.

Махсулотининг асосий қисми экспорт қилинадиган қўлаб ана шундай йирик лойиҳалар жорий йилда ҳам амалга ошириляпти. Бу эса банк ва мижозларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, аҳоли турмуш фаровонлиги-га хизмат қилиши, шубҳасиз.

Банк матбуот хизмати. Хизматлар лицензияланган.

Харбий хизматга истак билдирган (45 ёшга тўлмаган)лар, ахборот-коммуникация технологиялари, радиоэлектроника, дастурлаш соҳаларига юқори малакали мутахассисларни истисно тарикасида харбий хизматга чакриш ва харбий институтнинг илмий-тадқиқот лабораторияси харбий лавозимларига тайинлаш учун тақлиф қиламиз!

Меъёрий талаблар: — олий таълим муассасаларида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга; — илмий йўналиш ва илмий салоҳиятга эга бўлган олимлар ҳамда тадқиқотчилар.

Кўшимча маълумот учун телефон: 71-225-09-30.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРALAR ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 12 ЯНВАРДАН 18 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

### I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

- Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 12 декабрдаги 151-сон "Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (7-сонли БҲС) "Товар-моддий захира"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи.
- 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3120. (2020 йил 1 январдан кучга қиради).
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/8-сон "Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомининг 7-бандини ўз қисмини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.
- 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2546-2. (2019 йил 15 январдан кучга қиради).
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувини, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 335-В-2, 01-02/12-74-сон "Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганилиги ҳамда транзит ўтиши учун ййгиларни ундириш тартибини тўғрисидаги низомига

- ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қарори.
- 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-2. (2019 йил 15 январдан кучга қиради).
- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 01-02/12-75-сон "Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қондаларининг 5.6-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қарори.
- 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-5. (2019 йил 15 январдан кучга қиради).
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 13 декабрдаги 153, 350-В, 56-сон "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.
- 2019 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3121. (2019 йил 16 январдан кучга қиради).
- Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги,

- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 11/ҚҚ, 28-ҚҚ-сон "Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисоби-га фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи ил-мий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари микдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори.
- 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3122. (2019 йил 18 январдан кучга қиради).
- Ўзбекистон Республикаси Ино-вацион ривожланиш вазирлиги, Банд-лик ва меҳнат муносабатлари вазир-лиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 12/ҚҚ, 27-ҚҚ, 147-сон "Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисоби-га фундамен-тал, амалий тадқиқотлар ва инноваци-он ишларнинг илмий-техника дастура-лини амалга оширишда қатнашувчи ил-мий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари микдорларига

- ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"-ги қарорини ўз қисмини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.
- 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2974-1. (2019 йил 18 январдан кучга қиради).
- Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 13 декабрдаги 3-мҲ-сон "Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.
- 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3123. (2019 йил 18 январдан кучга қиради).
- Ўзбекистон Республикаси Ички и



